

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

**ЮРТИМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИГА ОИД КИТОБЛАР
НАШРИ ТЎҒРИСИДА
(1917-1990 ва 1991-1998 йилларда мисолида)**

Тангрикулов Жамшид Эркинович,
Термиз давлат университети ўқитувчиси

For citation: Dzhamshid E.Tangrikulov. About publication of a book on the history of Uzbekistan in our country (on the example of 1917-1990 and 1991-1998). 2019, vol. 1, issue 13, pp. 121-132.

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-13-14>

Келиб тушган сана 5 август, 2019
Эълон қилинган сана 5 октябрь, 2019

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада 1917-1990 ва 1991-1998 йиллардаги Ўзбекистон ССР китобларининг йилномаси, библиографик кўрсаткичидаги Ўзбекистон тарихига оид китоблар нашри тўғрисида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Китоб, нодаврий нашр, босмахона, миллий ўзлик, Ўзбекистон тарихи, мустамлака асорати, сиёсий зулм.

О ПУБЛИКАЦИИ КНИГИ ПО ИСТОРИИ УЗБЕКИСТАНА В НАШЕЙ СТРАНЕ (на примере 1917-1990 и 1991-1998гг.)

Тангрикулов Джамшид Эркинович,
Преподаватель Термезского государственного университета

АННОТАЦИЯ

В данной статье представлен обзор изданных книг летописях, библиографических указателей в 1917-1990 и 1991-1998 по истории Узбекистана в Узбекский ССР.

**ABOUT PUBLICATION OF A BOOK ON THE
HISTORY OF UZBEKISTAN IN OUR COUNTRY
(on the example of 1917-1990 and 1991-1998)**

Dzhamshid E. Tangrikulov,
Lecturer at Termez State University

ANNOTATION

It is given information about chronicle of Uzbek SSR books, published books which belong to History of Uzbekistan in 1917-1990 and 1991-1998 in the bibliographic indexes in this article.

Инсониятда мавжуд бўлган билимларнинг катта ва муҳим қисмини тарих илми ташкил қилади. Бу бежиз эмас, албатта. Халқлар, элатлар, турли ижтимоий уюшмалар учун ўзликни англашнинг зарурий шарти ва усули тарихдир. Тарихий маълумотларнинг замонлар оша етиб келишида китобларнинг ўрни ва аҳамияти беқийсдир.

Китоб- ахборотларни, билимларни сақлаш ҳамда тарқатиш воситаси. Халқаро статистикада ЮНЕСКО тавсиясига кўра, ҳажми 48 саҳифадан кам бўлмаган, табоқтаб тикилган нодаврий нашрни, шартли равишда, китоб дейиш қабул қилинган. [1]

Юртимизда босма усул билан китоб чиқариш XIX асрнинг 2-ярмидан бошланган. 1868 йил Тошкентда Туркистон ҳарбий округи штабининг босмахонаси рус олими ва сайёҳи Н.А.Северцовнинг «Чу ва Норин тизмалари этагидаги тоғли ўлка тўғрисида лавҳалар» (рус тилида) китоби илк босма китоб бўлса, Шоҳимардон Иброҳимовнинг 1871 йилда Хивада босилган «Капендар» китоби ўзбек тилидаги биринчи босма китобдир.

Советлар тузуми даврида китобга бошқа оммавий ахборот воситалари каби, КПСС ва Совет ҳукуматининг қудратли мафкуравий қуроли сифатида қаралди. Шу мақсадда жуда кўп номда ва нусхада “доҳий”лар, марксизм-ленинизм ғояларини тарғиб қилувчи асарлар, ижтимоий сиёсий, бадиий, илмий китоблар рус алифбосида нашр этилди. Туб миллат вакиллари руслаштириш, уларни ўз маданиятларига яқинлаштириш учун ўзбек тили, ёзуви ва имлоси 1922, 1929, 1934, 1940, 1956, йилларда ислоҳ қилинди. 1940 йилда кириллча ёзувга ўтилганидан кейин эса, кутубхоналарнинг фондларидан лотин ёзувида

чоп этилган барча ўзбекча китоблар эскирган ва тўзган нашрлар сифатида чиқариб олинди,[2] туркий, форс, араб тилларидаги минглаб ноёб қўлёзмалар тақдири фожеали бўлди. Натижада 1940 йилгача Ўзбекистон кутубхоналари фондларининг ўсиши ва бойиши тўғрисида сўз юритилганида рус ва бошқа хорижий тиллардаги китоблар назарда тутилади.[3]

Буни Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлар Советининг 1926 йил 3 январь қарорига асосан ташкил этилган[4] Ўзбекистон ССР Давлат китоб палатаси (1917-1990 йилларда), Ўзбекистон Республикаси миллий китоб палатаси томонидан нашр этилган библиографик кўрсаткичлардан ҳам кўришимиз мумкин. Мазкур Китоб солномаларида шу йиллар мобайнида Ўзбекистон ҳудудида нашр этилган барча номдаги ва мазмундаги китобларлар имкон қадар тўплаб нашр этилган. Матбуот асарларининг мажбурий нусхасини Палата 1927 йилдан ола бошлаган. Китоблар ташкилотлардан, нашриётлардан, кутубхоналардан ва хусусий шахслардан йиғилган. Шунинг учун ҳам Палата 1917-1927 йиллардаги кўрсаткичга Ўзбекистон территориясида чиққан китобларнинг ҳаммасини тўла киритилмаган бўлиши эҳтимоли бор.[4.1.]

Агар китоб кўрсаткичларининг нашрларини таҳлил қилсак, Ўзбекистон тарихи фанига эътибор сусти, китоблар кам номда ҳамда нусхада нашр этилганлигига гувоҳ бўламиз.

Бу ўша даврда халқнинг ўз тарихини билиши, уни ўрганишини сунъий равишда олдини олиш учун узоқни кўзлаб юритилган сиёсат эди.

1976 йилда нашр этилган Совет Ўзбекистони китоби (1917-1927 йй.) библиографик кўрсаткичи асосан Палата китоб фонди базасида тузилган бўлиб, қисқа ва вақтли қўлланмалар, «Фақат хизматда фойдаланиш учун», «Фақат ВКП(б) аъзолари учун» каби белгилар қўйилган китоблар, намунавий коллектив шартномалари ва асарлар типидagi нашрлардан ташқари ҳамма китоб маҳсулотларини ўз ичига олади. Шунингдек Татаристон АССР китоб палатаси томонидан юборилган ўзбек тилидаги китобларнинг каталог карточкаларидан ҳам фойдаланилган.[4.2.]

1917-1927 йилларда Ўзбекистонда 31 та фан тармоқларига оид 1554 номдаги китоблар нашр этилган. [4.3.] Шундан советлар тарихи ва Ўзбекистон тарихига оид бўлган китоблар 56 номда. Бу умумий номдаги китобларнинг 3.6 % и демакдир. Қайд этилган натижадан совет-

лар тарихига бағишлаб ёзилган ва таржима қилинган китоблар ажратилса, Ўзбекистон тарихига оид китоблар кам ёзилган, таржима қилинган ҳамда нашр этилганлигига гувоҳ бўламиз. Ваҳоланки, ўша даврда марксизм-ленинизм асосчиларининг асарлари, асарларининг таҳлилига бағишланган китоблар 54 номда нашр этилган.[4.4.] Йигирма беш номдаги китоблар араб имлосида ва ўттиз бир номдаги китоблар кирилл алифбосида нашр этилган.

1928-1929 йилларда 49 та фан тармоқларига оид 1356 номдаги китоблар нашр этилган. [9] Шундан Ўзбекистон тарихига оид бўлган 4 номдаги китоблар нашр этилган. Бу умумий номдаги китобларнинг 0.3 % га яқинини ташкил этади. Солиштириш учун шу йилларда советлар тарихига оид бўлган 7 номдаги китоблар (0.5 % дан ортиқ) босмадан чиққан.

1930-1931 йилларда 31 та фан тармоқларига оид 2666 номдаги китоблар нашр этилган. [10] Шундан советлар (Ўзбекистон тарихи билан биргаликда) тарихига оид умумий 58 номдаги китоблар (2.2 % га яқин) нашр этилган.

1932-1935 йилларда 31 та фан тармоқларига оид 5322 номдаги китоблар нашр этилган. [11] Шундан Ўзбекистон тарихига оид 11 номдаги китоблар (0.2 %) нашр этилган.

1936-1940 йилларда 49 та фан тармоқларига оид 4108 номдаги китоблар нашр этилган. [12] Шундан Ўзбекистон тарихига оид 7 номдаги китоблар (0.2 % га яқин) нашр этилган. Бу даврда Ўзбекистон тарихига оид китоблар нашрининг камлиги қатағон сиёсати билан бевосита боғлиқдир. Айнан шу йилларда мафкуравий кураш кучайган, зиёли маҳаллий миллат вакиллари таъқиб остига олинган эди. Мафкуравий тазйиқлар натижасида беш йил ичида фақатгина етти номдаги ватан тарихига оид китоблар нашр этилган, холос.

1941-1944 йилларда 30 та фан тармоқларига оид 2442 номдаги китоблар нашр этилган. [13] Шундан Ўзбекистон тарихига оид 5 номдаги китоб (0.2 % га яқин), Иккинчи жаҳон уруши даврига оид 146 номдаги китоблар (5.9 % дан ортиқ) нашр этилган. Ҳар иккаласини қўшиб ҳисоблаганда умумий номдаги китобларнинг 6.1 % дан ортиқроғини ташкил этади.

1945-1950 йилларда 49 та фан тармоқларига оид 3003 номдаги китоблар нашр этилган. [14] Шундан Ўзбекистон тарихига оид 25 номдаги китоблар (0.8 % дан ортиқ) нашр этилган.

1951-1955 йилларда 49 та фан тармоқларига оид 4722 номдаги ки-

тоблар нашр этилган. [15] Шундан Ўзбекистон тарихига оид 25 номдаги китоблар (0.5 % дан ортиқ) нашр этилган.

1956-1958 йилларда 50 та фан тармоқларига оид 3463 номдаги китоблар нашр этилган. [16] Шундан Ўзбекистон тарихига оид 59 номдаги китоблар (1.7 % дан ортиқ) нашр этилган.

1959-1961 йилларда 50 та фан тармоқларига оид 5279 номдаги китоблар нашр этилган. [17] Шундан Ўзбекистон тарихига оид 35 номдаги китоблар (0.6 % дан ортиқ) нашр этилган.

1962-1964 йилларда 50 та фан тармоқларига оид 4829 номдаги китоблар нашр этилган. [18] Шундан Ўзбекистон тарихига оид 27 номдаги китоблар (0.5 % дан ортиқ) нашр этилган.

1965-1967 йилларда 50 та фан тармоқларига оид 4598 номдаги китоблар нашр этилган. [19] Шундан Ўзбекистон тарихига оид 46 номдаги китоблар (1.0 % дан ортиқ) нашр этилган.

1968-1969 йилларда 49 та фан тармоқларига оид 2902 номдаги китоблар нашр этилган. [20] Шундан Ўзбекистон тарихига оид 29 номдаги китоблар (0.9 % дан ортиқ) нашр этилган.

1970-1972 йилларда 50 та фан тармоқларига оид 5299 номдаги китоблар нашр этилган. [21] Шундан Ўзбекистон тарихига оид 65 номдаги китоблар (1.2 % дан ортиқ) нашр этилган.

1973-1975 йилларда 50 та фан тармоқларига оид 5704 номдаги китоблар нашр этилган. [22] Шундан Ўзбекистон тарихига оид 73 номдаги китоблар (1.2 % дан ортиқ) нашр этилган.

1976 йилда 31 та фан тармоқларига оид 2216 номдаги китоблар нашр этилган. [23] Шундан советлар (Ўзбекистон тарихи билан биргаликда) тарихига оид 24 номдаги китоблар (1 % дан ортиқ) нашр этилган.

1977 йилда 31 та фан тармоқларига оид 2345 номдаги китоблар нашр этилган. [24] Шундан советлар (Ўзбекистон тарихи билан биргаликда) тарихига оид 34 номдаги китоблар (1.4 % дан ортиқ) нашр этилган.

1978 йилда 50 та фан тармоқларига оид 2508 номдаги китоблар нашр этилган. [25] Шундан советлар (Ўзбекистон тарихи билан биргаликда) тарихига оид 27 номдаги китоблар (1 % дан ортиқ) нашр этилган.

1979 йилда 50 та фан тармоқларига оид 2654 номдаги китоблар нашр этилган. [26] Шундан советлар (Ўзбекистон тарихи билан биргаликда) тарихига оид 20 номдаги китоблар (0.7 % дан ортиқ) нашр

этилган.

1980 йилда 50 та фан тармоқларига оид 2541 номдаги китоблар нашр этилган. [27] Шундан Ўзбекистон тарихига оид 12 номдаги китоблар (0.4 % дан ортиқ) нашр этилган.

1981 йилда 50 та фан тармоқларига оид 2660 номдаги китоблар нашр этилган. [28] Шундан Ўзбекистон тарихига оид 20 номдаги китоблар (0.7 % дан ортиқ) нашр этилган.

1982 йилда 50 та фан тармоқларига оид 2775 номдаги китоблар нашр этилган. [29] Шундан Ўзбекистон тарихига оид 8 номдаги китоблар (0.2 % дан ортиқ) нашр этилган.

1983 йилда 50 та фан тармоқларига оид 2937 номдаги китоблар нашр этилган. [30] Шундан Ўзбекистон тарихига оид 16 номдаги китоблар (0.5 % дан ортиқ) нашр этилган.

1984 йилда 50 та фан тармоқларига оид 3053 номдаги китоблар нашр этилган. [31] Шундан Ўзбекистон тарихига оид 14 номдаги китоблар (0.4 % дан ортиқ) нашр этилган.

1985 йилда 50 та фан тармоқларига оид 2616 номдаги китоблар нашр этилган. [32] Шундан Ўзбекистон тарихига оид 14 номдаги китоблар (0.5 % дан ортиқ) нашр этилган.

1986 йилда 50 та фан тармоқларига оид 2538 номдаги китоблар нашр этилган. [33] Шундан Ўзбекистон тарихига оид 9 номдаги китоблар (0.3 % дан ортиқ) нашр этилган.

1987 йилда 50 та фан тармоқларига оид 2585 номдаги китоблар нашр этилган. [34] Шундан Ўзбекистон тарихига оид 13 номдаги китоблар (0.5 % дан ортиқ) нашр этилган.

1988 йилда 50 та фан тармоқларига оид 2841 номдаги китоблар нашр этилган. [35] Шундан Ўзбекистон тарихига оид 8 номдаги китоблар (0.2 % дан ортиқ) нашр этилган.

1989 йилда 50 та фан тармоқларига оид 2347 номдаги китоблар нашр этилган. [36] Шундан Ўзбекистон тарихига оид 15 номдаги китоблар (0.6 % дан ортиқ) нашр этилган.

1990 йилда 50 та фан тармоқларига оид 2101 номдаги китоблар нашр этилган. [37] Шундан Ўзбекистон тарихига оид 30 номдаги китоблар (1.4 % дан ортиқ) нашр этилган.

1917-1990 йилларда юртимизда Ўзбекистон тарихига оид умумий 788 номдаги* китоблар нашр этилган бўлиб, бу шу вақт оралигида нашр этилган барча 95964 номдаги китобларнинг 0.8 % га яқинини ташкил этади. Бу ниҳоятда кам. Ўша вақтларда ўз тарихимизни ўзи-

миз яратиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб, бировлар томонидан яратилган тарих дарсликлари ўқитилган. “СССР тарихи” деб аталган дарслиқда Ўзбекистон давлати тарихига бор-йўғи 3-4 саҳифа ўрин берилиб, тарихий воқеалар ва шахслар ҳақида ноҳолис фикрлар айтилган ёки умуман лом-мим дейилмаган.[38]

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг собиқ советлар тузумининг барча республикаларига Марказнинг буйруғи юборилиб, унда турли кўрсатмалар берилганди. Жумладан, тарих дарсларида кимлар юрт равнақи учун хизмат қилишгани ёки хизмат қилишга уринишгани ҳақида гапириш мумкин эмас, эътиборни фақат подшолар зулми ва уларга қарши қаратилган халқ курашига бурмоқ лозим бўлади, дейилганди кўрсатмада.

Коммунистик партиянинг юргизган бундай мафкуравий сиёсати миллатимиз тақдири учун аянчли оқибат ва натижаларга олиб келди. Ўз тарихидан узоқлаштирилиши оқибатида халқимизда миллий онг ва миллий гурур тушунчалари сўниб кетди. Маданиятимиз, тарихимиз ва тилимиз, динимиз тақдирига бефарқлик муносабатлари кенг илдиз отди. Буни юқоридаги маълумотларда яққол кўришимиз мумкин.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихи фанини ўрганиш долзарб масалага айланди. Қуллик, тобелик ва мустамлака мутелиги асорати ғояларидан озод бўлиш учун миллий онгни, тафаккурни, миллий виждонни шакллантиришга эътибор қаратилди.

Халқ ва миллат дунёқарашини шакллантириш, таълим-тарбия, ахлоқ нормаларини вужудга келтириш маънавий баркамол инсонни тарбиялашда фан алоҳида,[39] тарих фани эса муҳим ўрин тутди. Миллий ўзликни англашда, миллий бирликни шакллантиришда, халқимизнинг жаҳон халқлари орасида тутган ўрнига баҳо беришда Ўзбекистон тарихининг ўрни ниҳоятда муҳимдир.

1991 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси миллий китоб палатаси томонидан нашр этилган библиографик кўрсаткичлардан кўришимиз мумкинки Ўзбекистон тарихи фанига оид китоблар кўп номда ва нусхада нашр этила бошланди. Жумладан, 1991 йилда 43 та фан тармоқларига оид 2004 номдаги китоблар нашр этилган. [40] Шундан Ўзбекистон тарихига оид 24 номдаги китоблар (1.2 % дан ортиқ) нашр этилган.

1992 йилда 43 та фан тармоқларига оид 1495 номдаги китоблар нашр этилган. [41] Шундан Ўзбекистон тарихига оид 35 номдаги китоблар (2.3 % дан ортиқ) нашр этилган.

1993 йилда 40 та фан тармоқларига оид 1346 номдаги китоблар нашр этилган. [42] Шундан Ўзбекистон тарихига оид 26 номдаги китоблар (1.9 % дан ортиқ) нашр этилган.

1994 йилда 39 та фан тармоқларига оид 1180 номдаги китоблар нашр этилган. [43] Шундан Ўзбекистон тарихига оид 37 номдаги китоблар (3.1 % дан ортиқ) нашр этилган.

1995 йилда 40 та фан тармоқларига оид 1481 номдаги китоблар нашр этилган[44]. Шундан Ўзбекистон тарихига оид 52 номдаги китоблар (3.5 % дан ортиқ) нашр этилган.

1996 йилда 40 та фан тармоқларига оид 1282 номдаги китоблар нашр этилган. [45] Шундан Ўзбекистон тарихига оид 56 номдаги китоблар (4.4 % дан ортиқ) нашр этилган.

1997 йилда 40 та фан тармоқларига оид 1095 номдаги китоблар нашр этилган. [46] Шундан Ўзбекистон тарихига оид 36 номдаги китоблар (3.3 % дан ортиқ) нашр этилган.

1998 йилда 39 та фан тармоқларига оид 1016 номдаги китоблар нашр этилган. [47] Шундан Ўзбекистон тарихига оид 23 номдаги китоблар (2.3 % дан ортиқ) нашр этилган.

1991-1998 йилларда юртимизда Ўзбекистон тарихига оид умумий 289 номдаги* китоблар нашр этилган бўлиб, бу барча 10899 номдаги китобларнинг 2.7 % га яқинини ташкил этади.

Хулоса қилиб айтганда, мустамлака асоратига солинган халқни сиёсий зулматда сақлаш учун советлар тузуми даврида Ўзбекистон тарихига оид адабиётлар ниҳоятда кам нашр этилиб халқ ўз тарихидан узоқлаштирилди. Мамлакатимизнинг ҳаққоний тарихи яратилмади. Таълим муассасаларида ўтилган дарслик ва адабиётларда Ўзбекистон тарихи соҳталаштирилиши натижасида халқнинг маънавий ҳаётига путур етди, халқнинг сиёсий онги ўтмаслашди. Атрофда содир бўладиган воқеаларга бефарқлик, лоқайдлик ҳисси кучайди. Мустақиллик йилларида бу соҳага алоҳида эътибор берилиб, ҳаққоний тарихини яратиш ишлари кучайди.

**Изоҳ: 1917-1927, 1930-1931, 1941-1944, 1976, 1977, 1978, 1979 йилларда Совет Ўзбекистони китоби ва Ўзбекистон ССР китобларининг йилномаларида СССР тарихи, умумий тарих, манбашунослик, ёрдамчи тарих фанлари умумий сонда ифодаланганлиги сабабли мазкур йиллардаги Ўзбекистон тарихи фанига оид китоблар сони, номлари ва фоиз кўрсаткичларида бироз ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**Ўзбекистон ССР китобларининг йилномаси, китоблар кўрсаткичи-
да 1917-1990 йилларда юртимизда Ўзбекистон тарихига оид нашр
этилган китоблар тўғрисидаги маълумот.**

№	Китоб кўрсаткичлари нашр этилган йиллар	Фан тармоқлар и сони	Нашр этилган китоблар (номда)	Ўзбекистон тарихига оид китоблар улуши	
				ном да	% да
1.	1917-1927 йиллар	31	1554	56	3.6%
2.	1928-1929 йиллар	49	1356	4	0.3%
3.	1930-1931 йиллар	31	2666	58	2.2%
4.	1932-1935 йиллар	31	5322	11	0.2%
5.	1936-1940 йиллар	49	4108	7	0.2%
6.	1941-1944 йиллар	30	2442	4	0.2%
7.	1945-1950 йиллар	49	3003	25	0.8%
8.	1951-1955 йиллар	49	4722	25	0.5%
9.	1956-1958 йиллар	50	3463	59	1.7%
10.	1959-1961 йиллар	50	5279	35	0.6%
11.	1962-1964 йиллар	50	4829	27	0.5%
12.	1965-1967 йиллар	50	4598	46	1.0%
13.	1968-1969 йиллар	49	2902	29	0.9%
14.	1970-1972 йиллар	50	5299	65	1.2%
15.	1973-1975 йиллар	50	5704	73	1.2%
16.	1976 йил	31	2216	24	1.0%
17.	1977 йил	31	2345	34	1.4%
18.	1978 йил	50	2508	27	1.0%
19.	1979 йил	50	2654	20	0.7%
20.	1980 йил	50	2541	12	0.4%
21.	1981 йил	50	2660	20	0.7%
22.	1982 йил	50	2775	8	0.2%
23.	1983 йил	50	2937	16	0.5%
24.	1984 йил	50	3053	14	0.4%
25.	1985 йил	50	2616	14	0.5%
26.	1986 йил	50	2538	9	0.3%
27.	1987 йил	50	2585	13	0.5%
28.	1988 йил	50	2841	8	0.2%
29.	1989 йил	50	2347	15	0.6%
30.	1990 йил	50	2101	30	1.4%
Жами:			95964	788	0.8 %

Ўзбекистон Республикаси Матбуоти солномаси давлат библиографик кўрсаткичида 1991-1998 йилларда юртимизда Ўзбекистон тарихига оид нашр этилган китоблар тўғрисида маълумот.

№	Китоб кўрсаткичлари нашр этилган йиллар	Фан тармоқлари сони	Нашр этилган китоблар (номда)	Шундан	
				Ўзбекистон тарихига оид китоблар	
				номда	% да
1.	1991 йил	43	2004	24	1.2 %
2.	1992 йил	43	1495	35	2.3 %
3.	1993 йил	40	1346	26	1.9 %
4.	1994 йил	39	1180	37	3.1 %
5.	1995 йил	40	1481	52	3.5 %
6.	1996 йил	40	1282	56	4.4 %
7.	1997 йил	40	1095	36	3.3 %
8.	1998 йил	39	1016	23	2.3 %
Жами:			10899	289	2.7%

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. O'zbekiston Milliy entsiklopediyasi. 4 tom. –Toshkent: O'zbekiston Milliy Entsiklopediyasi Davlat Ilmiy Nashrieti, 2002.

2. Oxunjonov E. Vatan kutubxoniligi tarixi. 2-rasm. –Toshkent: Alisher Navoiy nomidagi Uzbekiston Milliy Kutubhonashi Nashriyoshi, 2008. 106-tikish

3. Ohunjonov E. Vatan kutubxonachiligi tarixi. 2-rasm. –Toshkent: Alisher Navoiy nomidagi Uzbekiston Milliy Kutubhonashi Nashriyoshi, 2008. 105-bet

4. O'zbekiston Kitobi Kengashi (1917-1927 yy.). Bibliografiya kurssatkich. –Toshkent, 1976. 5-bet.

4.1. O'zbekiston Kitobi Kengashi (1917-1927 yy.). Bibliografiya kurssatkich. –Toshkent. 1976. 5-bet.

4.2. O'zbekiston Kitobi Kengashi (1917-1927 yy.). Bibliografiya kurssatkich. –Toshkent, 1976. 5-bet.

4.3. O'zbekiston Kitobi Kengashi (1917-1927 yy.). Bibliografiya kurssatkich. –Toshkent, 1976.5-bet.

4.4. O'zbekiston Kitobi Kengashi (1917-1927). Bibliografiya kurssatkich. –Toshkent, 1976.11-17 - betlar

5. O'zbekiston Kitobi Kengashi (1928-1929). Bibliografiya kurssatkich. –Toshkent, 1980. 3-bet.

6. O'zbekiston Kitobi Kengashi (1930-1931). Bibliografiya kurssatkich. –Toshkent, 1978/ 5-bet.

7. O'zbekiston Kitobi Kengashi (1932-1935 yy.). Bibliografiya kursatkich. –Toshkent, 1979. 5-bet.
8. O'zbekiston Kitobi Kengashi (1936-1940). Bibliografiya kursatkich. –Toshkent, 1980. 5-bet.
9. O'zbekiston Kitobi Kengashi (1941-1944). Bibliografiya kursatkich. –Toshkent, 1974.5-bet.
10. O'zbekiston Kitobi Kengashi (1945 - 1950). Bibliografiya kursatkich. –Toshkent, 1981.5-bet.
11. O'zbekiston Kitobi Kengashi (1951 - 1955y.). Bibliografiya kursatkich. –Toshkent,1981. 5-bet.
12. O'zbekiston Kitobi Kengashi (1956 - 1958 yy.). Bibliografiya kursatkich.–Toshkent, 1982.7-bet.
13. O'zbekiston Kitobi Kengashi (1959 - 1961 yy.). Bibliografiya kursatkich. Toshkent, 1982. 5-bet.
14. O'zbekiston Kitobi Kengashi (1962-1964). Bibliografiya kursatkich. Toshkent, 1983. 5-bet.
15. O'zbekiston Kitobi Kengashi (1965-1967). Bibliografiya kursatkich. Toshkent, 1983. 5-bet.
16. O'zbekiston Kitobi Kengashi (1968-1969 yy.). Bibliografiya kursatkich. Toshkent, 1984. 5-bet.
17. O'zbekiston Kitobi Kengashi (1970 - 1972 yy.). Bibliografiya kursatkich. Toshkent, 1984. 5-bet.
18. O'zbekiston Kitobi Kengashi (1973-1975). Bibliografiya kursatkich. Toshkent, 1985. 5-bet.
19. O'zbekiston SSR Kitoblaring Yilnomashi (1976 yil). Bibliografiya Kursatkich. –Toshkent, 1977.327-bet.
20. O'zbekiston SSR Kitoblaring Yilnomashi (1977 yil). Bibliografiya Kursatkich. –Toshkent, 1978.354-bet.
21. O'zbekiston SSR Kitoblaring Yilnomashi (1978 yil). Bibliografiya Kursatkich. –Toshkent, 1979. 361-bet.
22. O'zbekiston SSR Kitoblaring Yilnomashi (1979 yil). Bibliografiya Kursatkich. –Toshkent, 1980.218-bet.
23. O'zbekiston SSR Kitoblaring Yilnomashi (1980 yil). Bibliografiya Kursatkich. –Toshkent, 1981.297-bet.
24. O'zbekiston SSR Kitoblaring Yilnomashi (1981 yil). Davlat bibliografiyasi ursatkichi. –Toshkent, 1982. 299-bet.
25. O'zbekiston SSR Kitoblaring Yilnomashi (1982 yil). Davlat bibliografiyasi ursatkichi. –Toshkent. 1983. 303-bet.
26. O'zbekiston SSR Kitoblaring Yilnomasi (1983 yil). Kitoblar kursatkichi. –Toshkent, 1984.333-bet.

27. O'zbekiston SSR Kitoblaring Yilnomashi (1984 yil). Kitoblar kursatkichi. –Toshkent, 1985. 340-bet.
28. O'zbekiston SSR Kitoblaring Yilnomashi (1985 yil). Kitoblar kursatkichi. –Toshkent, 1986. 289-bet.
29. O'zbekiston SSR Kitoblaring Yilnomasi (1986 yil). Kitoblar kursatkichi. –Toshkent, 1987. 284-bet.
30. O'zbekiston SSR Kitoblaring Yilnomashi (1987 yil). Kitoblar kursatkichi. –Toshkent, 1988.306-bet.
31. O'zbekiston SSR Kitoblaring Yilnomasi (1988 yil). Kitoblar kursatkichi. –Toshkent, 1989.367-bet.
32. O'zbekiston SSR Kitoblaring Yilnomasi (1989 yil). Kitoblar kursatkichi. –Toshkent. 1990. 328-bet.
33. O'zbekiston SSR Kitoblaring Yilnomasi (1990 yil). Kitoblar kursatkichi. Toshkent, 1991. 285-bet.
34. Karimov I.A. Tarixiy hotirasiz kelajakka. –Toshkent: Sharq,1998. 4-tikish
35. Fayzullaev O. Falsafa va fanlar metodikasi. –T.: Falsafa va haqiqat, 2006. 19-tikish.
36. O'zbekiston, Xitoy Respublikasi Kitoblunning Yilnomashi (1992 yil). Kitoblar kursatkichi. – Toshkent, 1992 yil, 1-12-sonlar.
37. O'zbekiston, Xitoy Respublikasi Kitoblunning Yilnomashi (1992 yil). Kitoblar kursatkichi. –Toshkent, 1992 yil, 1-12-sonlar.
38. O'zbekiston, Xitoy Respublikasi Kitoblunning Yilnomashi (1993 yil). Kitoblar kursatkichi. –Toshkent, 1993 yil, 1-12-sonlar.
39. O'zbekiston, Xitoy Respublikasi Kitoblunning Yilnomashi (1994 yil). Kitoblar kursatkichi. –Toshkent, 1994 yil, 1-12-sonlar.
40. O'zbekiston, Matbuoti Solnomasi Respublikasi (1995 yil). Davlat bibliografiyasi ursatkichi. –Toshkent, 1995 yil, 1-12-sonlar.
41. O'zbekiston, Xitoy Respublikasi Kitoblunning Yilnomashi (1996 yil). Kitoblar kursatkichi. –Toshkent, 1996 yil, 1-12-sonlar.
42. O'zbekiston Respublikasi, Matbuoti Solnomasi (1997 yil). Davlat bibliografiyasi ursatkichi. –Toshkent, 1997 yil, 1-12-sonlar.
43. O'zbekiston Respublikasi Matbuoti Solnomasi 1-12-sonlar.